

Таълим сифати, муаммолар ва ечимлар

Бахтияр Ишбаевич Қаюмов

И.Каримов номидаги ТДТУ Олмалик филиали

Аннотация: Маколада республикамиз узлуксиз таълим тизимида сифатли таълим масаласи илгари сурилган булиб, унда таълим сифати педагогларнинг касбий махорати, укув тафаккур фаолиятини профессионал жихатдан ташкил этиши ва таълим олувчиларнинг узлаштирилиши аниқ баҳолаш мезонларига амал килинган холда олиб борилиши, формал баҳолашдан чекланиш масаласи ёритилган. Сифатли таълим жамиятимиз тараккиётининг асосий омили эканлиги кайд этилган.

Калит сузлар: таълим, таълим жараёни, таълим мазмуни, таълим шакли, дунёкараш, сифат, ташхис, баҳо, эквалент, натижа, фаолият

Quality of education, problems and solutions

Bakhtiyar Ishbaevich Kayumov

Almalyk branch TSTU named after I.Karimov

Abstract: In the article, the issue of quality education in the continuing education system of our republic was put forward, in which the quality of education depends on the professional skills of pedagogues, the organization of learning and thinking activities from a professional point of view, and the alignment of students with strict evaluation criteria, and the issue of limiting formal evaluation. It is noted that quality education is the main factor in the development of our society.

Keywords: education, educational process, educational content, educational form, outlook, quality, diagnosis, assessment, equivalent, result, activity

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил июни охири, июли бошларида Тошкентда ЮНИСЕФ (БМТнинг Болалар жамғармаси) ва таълим соҳаси вакиллари Ўзбекистондаги таълим сифати масаласини муҳокама қилди. ЮНИСЕФ ўтказган тадқиқотлар натижасига кўра, *тўртинчи синф ўқувчилари орасида фақат 43 фоиз болаларгина ўқиган нарсасини тушуна олади.* “Инсон капиталини

ривожлантириш: келажак учун таълим” мавзусида ташкил этилган мулоқот доирасида таълим соҳаси ва ЮНИСЕФ вакиллари Ўзбекистон миллий таълим дастури лойиҳасини муҳокама қилди.

Мазкур муаммо нафақат бошланғич таълим, балки умумий ўрта таълим ва олий таълимнинг долзарб муаммосига айланганлиги барчамизга маълум. Привордида ушбу йилда абутуриентлар кўрсаткичларининг салкам 50 фоизи ўтиш балидан анча орқадалиги барчамизни ташвишлантирмоқда.

Сўнги йилларда Янги Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш, Учинчи Ренессансни яратиш, бу жараёнда соҳани тубдан ислоҳ қилиш бўйича янги тизим шаклланди. Таълим соҳасида жаҳон таълим стандартларига фаол интеграциялашувини таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг таълим сифатини ошириш ва инновацион ривожлантиришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Кадрлар салоҳиятини юксалтириш масалари қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Айнан педагог кадрлар томонидан педагогик жараёни ташкил этиш ва унинг сифат самарадорлигини ошириш узлуксиз таълим тизимининг бош масаласига айланди.


Мазкур мақолада биз талабалик сафига қабул қилинган кўплаб бўлғуси кадрларнинг умумтаълим, касб ҳунар коллеждлари томонидан берилган шаҳодатномасидаги баҳолар талаба томонидан ўзлаштирган билимига эквалент эмаслиги гувоҳи бўлаётганлигимиз асосида ушбу масалага педагогик жиҳатдан эътиборни қаратдик.

...Билиш инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Билиш асосида инсон дунёқараши шаклланади. Дунёқараш ўз ичига дунёни ҳис қилиш, дунёни тушуниш жараёнларида ҳосил бўладиган ирода, идрок, кайфиятларни ҳам қамраб оладиган тушунчадир. Педагогик жараёнда ўқувчиларда дунёқараш, ижодий ва эркин фикрлай олиш қобилиятини шакллантириш имкониятини яратиш ўта долзарб масаладир.

Биз ёшларнинг эртанги кунда эркин фикрловчи баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун уларни мактаб партасиданоқ мустақил ижодий фикрлашга йўналтира боришимиз педагогик фаолиятимизда бош стратегик масала ҳисобланади.

Таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашда педагог таълим мазмунини билиш жараёнлари ва босқичлари алгоритмлари асосида ёндашиш лозим.

Таниқли олим, академик В.Беспалько ўқувчиларни таълим мазмунини ўзлаштириш даражаси қуйидаги диаграммада ёритиб берган:



Бизнинг қарашимизча, педагогик жараёнда кўплаб педагогларимиз репродуктив методлар асосида и эгалланган билим, кўникма билан кифояланган ҳолда таълим олувчиларни баҳоламоқда. И.Беспалько диограммасига эътиборни қаратсак, талаба ёки ўқувчи билиш, тушуниш, қоидаларни айтиб бериш билан кифояланмоқда ва ижобий баҳоламоқда. Ваҳоланки таҳлил қилиш, таълим мазмунига ижодий ёндашиш мезонлари босқичига эришиш педагоглар эътиборидан четда қолмоқда.

Натижада ўқувчиларимиз хотира асосида ўзлаштирган билимлари тез ёдидан кўтарилганлиги гувоҳи бўлмоқдамиз. Демак репродуктив (номаҳсулдор) методлардан продуктив (маҳсулдор) методларга ўтиш таълим жараёнида мантиқий ёндашишга йўналтирилади ва таълим олувчиларда таҳлил қилиш, умумийдан хусусийликка, ижодий ёндашиш кўникма, малакаларини шакллантириб боради.

Демак, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолашда назорат топшириқлари билиш жараёни босқичлари мезонларини аниқлашга қаратилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Таълим олувчиларнинг билимини назорат қилишда педагог оғзаки назорат саволлари, тест ва турли топшириқларни ишлаб чиқишда қуйидаги мезонларга эътибор қаратиши лозим;

1. Ўқув элементларини хотирада сақлаш ҳолатини аниқловчи назорат саволлар мажмуаси;

2. Таълим мавзуси бўйича қоидаларни билиш, муаммоларни еча олиш, топшириқларни бажара олиш ҳолати, яъни репродуктив даражада ўзлаштиришни аниқлаш;

3. Ўтилган мавзу асосида мустақил равишда тенгламалар туза олиш, унинг ечимларини кўрсата олиш хусусиятлари, яъни продуктив ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

Маълумки, умумий ўрта таълимда ўқувчиларни билимини текшириш асосан репродуктив даражадан юқори кўтарилмаяпти. Масалан: рус тили, инглиз тили бўйича “4”, “5” баҳо олувчи ўқувчилар мустақил равишда грамматик жиҳатдан тўғри ёзиш ёки мулоқат қилиш ўрта мактабларда эришилмаяпти.

Таълим мазмунини ахборот тарзида ўзлаштириш, фикр кучи билан эмас, балки хотира асосида билим ўзлаштириш ўқувчиларимизга хос хусусиятларга айланмоқда.

Бунда педагогларимиз таълим жараёнини репродуктив методлар билан чегараланиши ва продуктив даражага кўтара олмаслиги асосий сабаблардан биридир.

Таълим жараёнини продуктив босқичга кўтаришда муаммоли таълим, модулли таълим, кластер, таълим технологиялар, баҳс, мунозара, конференция дарслари мустақил ижодий топшириқлар муҳим аҳамиятга эга.

Узлуксиз таълим тизимида ўқитишнинг репродуктив методлари билан чекланишнинг салбий оқибатлари нимадан иборат?

Бугунги кунда таълимда ахборот бериш асосида тузилган ўқув жараёни таълим олувчи эҳтиёжни одатда таъминламайди. Натижада тез ёддан чиқиш, қизиқишни йўқотиш, мустақил, шу жумладан ижодий фаолият кўрсатиш учун етарли даражада ривожлантирмаслик рўй беради ва унга кўшимча ўз фаолиятига пассив муносабатни таъминлайди. Амалий ҳаётимизда ўқувчиларимиз, қолаверса талабалар томонларидан ўзлаштирилаётган билимлар тез унутилаётганлиги сир эмас. Албатта, бу хол педагогик жараёнда педагог ва ўқувчиларнинг фаолиятига ҳамда педагогик жараёнда ташкил этилган ўқув тафаккур фаолиятига боғлиқ.

Айнан бу ҳақда А.Эйнштейн ёши кайтганда киноя билан айтган эди: «Ўқитишнинг замонавий усуллари «Муқаддас» қизиқувчанликка ҳалал беради... Бурч хислари ва мажбурлаш қараш ва излашдан қувонч топишга кўмаклашади деб ўйлаш катта хато бўлади...». (Герник Ф. Альберт Эйнштейн. М., 1966).

Машхур замонавий инглиз физиги А.Б.Пиппарт (Кавендиш лабораторияси директори) бу ҳақда шундай фикр билдиради: «...Бало имтихонлар натижалари бўйича ким яхшироқ, ким ёмонроқ деб айтиб бўлмаслигида эмас... балки имтихонлар ўқувчиларни ОЎЮдан ташқарисида қадрланадиган қобилиятларини ривожлантиришга ундамаслигида... яхши тўти ҳам ортикча кўп баҳо олиши мумкинлиги энг яхши талабалар ўзида тўти қобилиятларини ривожлантиришга ҳаракат қилишга олиб келади. Шундай ачинарли хулоса – британия университетларида физика бўйича имтихонлар таҳлилининг натижасидир...» (Пиппарт А.Б. Образованный ученик. М.1979).

Бугунги узлуксиз таълим тизимида ҳам ҳамон репродуктив ўқитиш билан чекланиш оммавий тус олган бўлиб у таълим жараёнини кенг қамраб олган. Репродуктив методлар асосан таълим мазмуни ҳақида маълумот беради, аммо таълим жараёнини амалда ўқувчиларни ўйлаш ва фикр юритиш погоналарига кўтара олмайди.

Таниқлим олим К.Г.Марквардт айтишича (1981) «билим» тушунчасининг маъноси ўқувчи ёки талабалар хотирада сақланаётган маълумот деб тушунилади. Бу билимларнинг мавжудлиги (якуний назорат ёки имтихонлар пайтида) талаба уларни тиклай олиши, яъни бу билимларга мурожаат қилиб берилган саволга ҳеч қандай қўлланмалар ёрдамисиз жавоб бериши орқали педагог томонидан баҳоланади.

Агар талаба имтиҳон пайтида бу маълумотларни тиклай олса (яъни қўлланмаларсиз баён қилиб бера олса) бу ўзлаштиришнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Улар одатда бевосита шу маълумотга оид савол берилганда хотирадан юзага чиқади ёки бошқача қилиб айтганда эсга тушади. Хотирадан тикланган билимлар шу ҳолатда узоқ сақланмайди. Керак пайтда улар қийинчилик билан ёдга келади, кўпинча умуман эсга келмайди. Кўп марта ўтказилган синовлар шуни кўрсатдики кўп вақт ўтмасдан (бир ойдан кейин) талабалар кўп нарсаларни эслай олмайдилар. Бу ҳақда талабаларнинг ўзлари ҳам афсус билан тан олмоқдалар. Репродуктив методларнинг салбий асоратларидан бири ўқувчи ёки талабаларда мустақил билим олиш малакаларидан маҳрум этиб бормоқда. Намуна бўйича фаолият усулини тиклаш ва қайтариш репродуктив усулнинг асосий аломатларидир. Педагог оғзаки ва ёзма нутқдан фойдаланади, ўрганувчилар эса тайёр намуна бўйича топшириқлар бажарадилар. Ўқитишда бундай йўналишнинг оммавий тус олиши афсуски, ўқув тафаккур фаолиятини ижодий босқичга кўтара олмайди. Бу эса таълимнинг самарадорлигини оширмайди, балки, схоластик ўқитишнинг кўринишларидан бири бўлиб қолмоқда. Айнан, ахборотли ўқиш ўқувчида буюк физик Эйнштейн айтган “Муқаддас қизиқиш”ни уйғотишга имкон бермайди.

Мазкур масалаларни ҳал этишда замонавий педагогик технологияларни узлуксиз таълимга жорий этилиши, ҳар бир дарс жараёни таълим олувчиларда биринчи босқич билишдан юқори босқич -ижодий билиш даражасига кўтариш, ўзлаштирилган билим, кўникма, малакани реал баҳолаш ижтимоий зарурат бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нега мактабларда таълим сифати паст?
<https://www.uzanalytics.com/jamiyat/5110/>
2. Uzoqov, I. E., & Bahodirova, N. G. O. Q. (2022). *Tovarlar kimyosi ixtisosligida oziq-ovqat mahsulotlarining kimyoviy tarkibining o'rn*. Science and Education, 3(12), 365-368.
3. Uzoqov, I., & VA, X. S. M. P. I. *KOMPONENTLIK//INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL.*—2022. T, 3, 242-248.

4. Sarikulov, M. X., Uzoqov, I. E., & Lapasova, Z. K. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida yosh kadrlarni sifatli inklyuzif o'qitishni rivojlantirish va yetuk kadrlarni tayyorlash. *Science and Education*, 3(6), 784-788.
5. Хунаров, А. М., & Узаков, И. Э. (2022). Современные проблемы экологического районирования. *Science and Education*, 3(9), 218-223.
6. Каримкулов, К. М., Узаков, И. Э., & Сариккулов, М. Х. (2022). Роль химического состава пищевых продуктов в специальности химия товаров. *Science and Education*, 3(12), 309-314.
7. Egamberdiev, F. T., & Israilova, X. M. (2023). Economic Importance of Investment Projects in the Development of Agriculture. *Web of Scholars: Multidimensional Research Journal*, 2(5), 1-4.
8. Исраилова, Х. М. (2023). Мустақиллик йилларида мева-сабзавотчилик соҳасининг ривожланиш суръатлари (Фарғона вилояти мисолида). *Science and Education*, 4(6), 894-900.
9. Эгамбердиев, Ф. Т., & Исраилова, Х. М. (2023). Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамияти. *Science and Education*, 4(5), 1510-1517.
10. Исраилова, Х. М. (2023). ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА): ECONOMIC CHANGES IN THE FIELD OF FRUIT AND VEGETABLES DURING THE PANDEMIC (EXAMPLE OF FERGANA REGION). *Молодой специалист*, 2(14), 34-38.
11. Egamberdiev, F. T., & Israilova, X. M. (2023). Economic Importance of Investment Projects in the Development of Agriculture. *Web of Scholars: Multidimensional Research Journal*, 2(5), 1-4.
12. Ergashxodjayeva, S. J., Qosimova, M. S., & Yusupov, M. A. O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O 'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI.
13. Qizi, K. U. K., & Qosimova, M. (2022). FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING LINGVOKULTUROLOGIK TADQIQI. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 3(5), 33-37.
14. Qosimova, M. S., Hodiev, B. Y., Samadov, A. N., & Muhitdinova, U. S. (2003). *Kichik biznesni boshqarish*. T.: O'qituvchi.
15. Xodiyev, B. Y., Qosimova, M. S., & Samadov, A. N. (2010). *Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik*. T.: TDIU, 267.
16. Каюмов, Б. И., & Маматкаримова, Б. Х. (2019). Новые методы и технологии преподавания иностранных языков в вузе. *European science*, (7 (49)), 48-50.

17. Каюмов, Б. И., & Қосимова, М. (2022). ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МАНТИҚИЙ ЎЗЛАШТИРИШДА БЛОК–МОДУЛ ДАРСИНИНГ РОЛИ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(6), 139-145.

18. Каюмов, Б. И., & Закиров, Ш. М. (2021). ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ. ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, 4(1).

19. Абдулхакимова, Н. Т., & Каюмов, Б. И. (2020). ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАТИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ, ПРИМЕНЕНИЕ ИХ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ. In *ОБРАЗОВАНИЕ 2020: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ* (pp. 71-73).

20. Мамадалиева, Н. А., & Давлаталиев, Х. Х. (2023). ИҚТИСОДИЁТДА ФОСФОРИТ ХОМ АШЁСИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(11), 498-500.

21. Мамадалиева, Н. А., & Суяров, Х. У. (2023). Кончилик саноатида янги технологияни жорий этиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўли. *Science and Education*, 4(5), 789-795.

22. Улашев, И. О., Мамадалиева, Н. А., Ашурова, Н. Б., & Кучкаров, Н. С. (2006). Правовая налоговая политика недропользования в Республике Узбекистан. *Горный журнал*, (9), 42-43.

23. Mamadalieva, N. A. (2021). The Importance of Ecotourism for Those Working in the Chemical Industry. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 1(1), 1-4.

24. Мамадалиева, Н. А., & Исломова, Р. А. (2022). Кимё Саноатида Ишловчилар Учун Экотуризмнинг Аҳамияти. *Miasto Przyszłości*, 30, 65-68.

25. Sarikulov, M. K., Uzohkov, I. E., Riskulov, K. A., & Israilova, K. M. (2022). SOME ASPECTS OF ECOLOGY AT THE PRESENT STAGE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).

26. Uzoqov, I. E., & qizi Ashurova, F. A. (2023). Kontrafakt va falsifikasiya qilingan oziq ovqat mahsulotlarini identifikasiyalashdagi xorijiy davlatlar tajribalari. *Science and Education*, 4(9), 166-172.

27. Adilov, T. T., Israilova, X. M., Uzohkov, I. E., Axtamov, M. X., & Rahmatullayeva, X. I. (2021). Food security: National food market.

28. Сариккулов, М. Х., Узаков, И. Э., уғли Ирисов, И. Ш., & уғли Сулхонов, Д. А. (2023). Калорийность и химический состав куриного яйца. *Science and Education*, 4(6), 46-53.

29. Сариккулов, М. Х., Узаков, И. Э., Куйбаков, Б. Б., & Хунаров, А. М. (2023). Роль воспитания в формировании гармонично развитого поколения. *Science and Education*, 4(6), 554-560.

30. Karimqulov, Q. M., Abduraxmanova, A. J. R., & Uzaqov, I. E. (2023). Oziq-ovqat tovarlarni identifikatsiyalashda yuzaga kelayotgan muammolar. *Science and Education*, 4(6), 518-523.

31. Karimqulov, Q. M., Uzoqov, I. E., & Sarikulov, M. X. (2022). Tovuq go'shtining tarkibini aniqlash va sinflash. *Science and Education*, 3(10), 151-158.